ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.
Ishonch
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
2007 йил 31 май
пайшанба № 68 (2325)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ю.Саркисянни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фаолияти учун Фарғонанинг «Нефтчи» футбол жамоаси бош устози Юрий Вазгенович Саркисян «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 май

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### М.Қосимовни «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Қўшоқович Қосимов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 май

## 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



# АВЛОД БОРКИ, ҲАЁТ БАРДАВОМ

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг «Ўзбек» дея номланган шеърида шундай мисралар бор:

***Бошқа элатларни билмадим, аммо***
***Дунёда болам, деб яшайди ўзбек.***

Дарҳақиқат, ўзбек каби серфарзанд, болажон халқ бўлмаса керак дунёда. Бағрикенглик, меҳнатсеварлик, меҳридарёлик, фарзанд учун ҳамиша жонфидолик сингари фазилатлар унинг қон-қонига сингиб кетган. У ўзининг орзулари рўёбини, бахту иқболини, келажагини фарзандлар тимсолида кўради. Шунинг учун ҳам ҳаётини фарзандини баркамол, етук, комил инсон этиб тарбиялашга бағишлайди, десак муболаға бўлмайди.

Юртбошимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XI сессиясида сўзлаган нутқида келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади, дея таъкидлаган эди.

Жамиятда яшаётган ҳар бир шахснинг, шунингдек, болаларнинг ҳам ўз ҳуқуқ ва бурчлари мавжуддир. Болалар ҳуқуқи ҳақида сўз кетганда, энг аввало, юртимизда болалар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, 1992 йилда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция ратификация қилинганидан сўнг ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда шахснинг, айниқса, болаларнинг ҳуқуқларини кенг маънода эътироф этиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда ҳимоя қилишга даъват этилган ушбу муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг барча моддаларига тўла амал қилиб келинмоқда.

Айниқса, истиқлол йилларида Инсон манфаатлари, Оила, Сиҳат-саломатлик, Оналар ва болалар, Меҳр-мурувват, Ҳомийлар ва шифокорлар йили доирасида қабул қилинган ва ҳаётга кенг татбиқ этилган давлат дастурлари доирасида олиб борилган улкан қамровли ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Масалан, ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу борада олиб борилган ишлар хусусида қисқача тўхталсак. Ўтган давр мобайнида жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Шулардан 18 таси янгидан барпо этилиб, 108 та мактаб спорт зали ҳамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция қилинди. Мактабга илк бор қадам қўйган фарзандларимизни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ишлари давом эттирилиб, 521 минг нафар болага қарийб 15 миллиард сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари совға сифатида берилди.

(Давоми 4-бетда)

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ

## Ижтимоий ҳимоя йилида




**Бу дунёда ҳеч нарса ўзича яшамайди. Қимирлаган жон борки, бир-биридан ранг-тус олади, маъно-мазмун топади, шу тариқа ҳаёт деб аталмиш чўнг тушунчага моддийлик мақомини сингдиради. Ана шу ҳилқатда туп қўйиб, палак ёзган одамгина ҳазрати инсон деган номга муносиб амаллари билан борлиғу йўқлик ичра бутун бўй-басти ила намоён бўлади.**

**Буларнинг таг заминида аввалбоши меҳнат, онгли меҳнат, ибратомуз меҳнат ётади. Биз таъбирини кўп эшитганимиз «Инсонни меҳнат улуғлайди» деган ибора бежиз бу қадар кенг кўлам касб этмаган. Унинг яна бир ботиний жилокозибаси бор: табиатнинг уйғун бир бўлаги саналмиш инсон ўз меҳнати туфайли ҳаётнинг абадийлигига кафил бўлишдек бемисл масъулиятни ҳам зиммасига олганким, бу ундан ҳар жабҳада бардавом бўлишликни тақозо этади. Адолатга асосланган яшаш тарзигина яна шу эзгу мақсадларнинг бекаму кўст рўёбга чиқишини таъминлайди. Бунда, шак-шубҳасиз, касаба уюшмаларининг ҳам ўз ўрни бор.**

**Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон ПАРПИЕВ билан мулоқотимиз асноси ушбу фалсафий тушунчалар ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.**

# ЭГАСИ БОР ЮРТНИНГ ЭРТАСИ БОРДИР

**— Мамлакатимизда фаолият юритаётган энг кўп сонли жамоат ташкилоти, бу касаба уюшмаларидир. Бу табиий ҳол, албатта, чунки у меҳнат аҳли манфаатларини ҳимоя қилади. Аммо шундай даврлар бўлдики, аъзолар сони сезиларли даражада камайиб кетди. Ҳозир яна ўнгланиш сезилмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар замирида нималар ётибди, деб ўйлайсиз?**

— Айтишларича, наботот олами — бизни ўраб турган табиат ҳосиласи бўлмиш дарахтлар, гуллар, майсалар — бари-бари ўз атрофида гирди-капалак бўлаётган инсонни ҳам, беписандларча муносабатда бўлиб, чопиб-янчиб, топтаб ўтаётган кишини ҳам кўриб турар экан. Ва айнан шу боис олижаноб инсонларнинг назари тушганда яйраб, текканга тегиб, тегмаганга тош отишни одат қилган одамлар қаршисида мунғайиб, титраб-қақшаб тураркан.

Ўсимликларки шундай бўлгач, одамларни қўяверинг. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади, деб бекорга айтмайдилар. Яхшилик қилолмасанг, ҳеч бўлмаса ёмонлик ҳам қилма, дейдилар. Касаба уюшмаларининг эса бутун туриш-турмуши эзгуликка йўғрилгандир. Баъзан қўлимиз калталик қилиб қолган пайтлар бўлган бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон кўмакка муҳтож кишини кўкрагидан итармаганмиз. Балки, худди шунинг учун энг мураккаб даврларда ҳам ўзимизга хос бўлган ўрнимизни ҳеч кимга бериб қўймагандирмиз, ўзимизга мос нуфузимизни сақлаб қола билгандирмиз.

Бугунги кунда вилоятимизда 570 мингдан зиёд касаба уюшма аъзолари бўлиб, улар 2607 та бошланғич ташкилотларга бирлашган. Бу республика миқёсида энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Тўғри, кейинги беш йил ичида халқ хўжалиги тармоқларида мулкчилик шаклларининг ўзгариши, норентабел корхона, муассаса, ташкилотларнинг тугатилиши натижасида бир қисм (10 минг) аъзоларимизни йўқотдик. Лекин жойларда касаба уюшма аъзолари асосий ядроси ва тузилмалари сақлаб қолинди ва бу бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Сендан ҳаракат, мендан баракат деганларича бор. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси, унинг тармоқ кенгашлари, вакилликлар томонидан бир тану бир жон бўлиб аъзолик афзалликларини аҳоли ва ишловчилар ўртасида кенг тарғиб этиш, касаба уюшмаларининг мақсад ва вазифаларини етказишда олиб борилаётган катта ташкилотчилик ишлари, айтиш мумкинки, ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади. Бунда, айниқса, давр талабидан келиб чиққан ҳолда, аъзоликка жалб этишда асосий эътибор фермер хўжаликларига, кичик ва ўрта бизнес ходимлари, тадбиркорлар, янги ташкил қилинган қўшма корхоналар ва бошқа структура ходимларига қаратилаётганлиги танланган йўл тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2006 йилда автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги касаба уюшма вилоят вакиллигида хусусий автотранспорт, йўловчи — юк ташиш ходимлари ҳисобига 10 та бошланғич ташкилот тузилиб, 550 та янги аъзолар қўшилди. Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар тармоғида 2 та бошланғич ташкилот ташкил этилиб, аъзолар сони 162 тага кўпайди. Шунингдек, таълим ва фан ходимлари тармоғида аъзолар 1553 тага, Ёқилғи-энергетика комплекси, геология ва кимё саноати ходимлари тармоғида 314 тага, «Ўзметалмашсаноат» тармоғида 551 тага ўсди. Айни пайтда агросаноат тизимида касаба уюшма ташкилотлари тузилмаларини ташкиллаштириш, фермер хўжаликларида касаба уюшма ташкилотларини тузиш ишлари қизғин кетяпти.

Вилоят ҳокимлиги билан тузилган ҳамкорлик келишувига, тармоқ келишувлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалар жамоа шартномаларига «Бандлик» масаласи киритилганлиги муҳим аҳамият касб этиб, янги иш ўринлари барпо қилиниши натижасида касаба уюшма аъзолигига жалб этиш ишларида сезиларли ижобий натижалар кузатилмоқда.

**— Маълумки, тармоқ келишувлари ходимларнинг бандлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шароитлари ва соҳа ходимлари учун ижтимоий кафолатлар ҳамда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барқарорлигини сақлаш масалаларида умумий йўналишларни белгиласа, жамоа шартномалари ушбу келишувларнинг давоми ўларок, ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Ана шу мақсад ҳамма жойда тўла намоён бўлаяптими?**

— Бу чиндан ҳам ғоят мураккаб масала. Касаба уюшмаларининг бутун мазмун-моҳияти бус-бутунича тармоқ келишувлари ва жамоа келишувларида акс этади, десак асло муболаға эмас. Бинобарин, муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Айни дамда жойларда тузилган салкам 13 мингта жамоа шартномаси ходимлар билан иш берувчиларнинг муносабатларини мувофиқлаштириб келмоқда.

Лекин амалга оширилаётган ишлар ҳамма жойда ҳам бирдек кўнгил тўладиган даражада, деб айтишга ҳали эрта. Айрим корхоналарда ходимлар жамоа шартномаси тўғрисида етарлича тушунчага эга эмаслиги, шартномалар қуйи қисмларга етказилмаётганлиги ёки бўлмаса, шартномада кўрсатилган мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаслиги натижасида турли муаммолар келиб чиқмоқда. Баъзи жойларда бу ўта муҳим ишга панжа орасидан қараш ҳоллари ҳам, афсуски, йўқ эмас. Шу сабабли айрим касаба уюшма аъзолари ўз ҳуқуқини талаб қилиб турли идораларга мурожаат этишга мажбур бўлмоқдаларким, буни ҳар бир етакчи огоҳликка даъват деб тушунмоғи лозим.

(Давоми 2-бетда)

# КЎТАРИНКИ РУҲ, САЛОМАТЛИК ВА БИР ОЛАМ ТААССУРОТЛАР

***Тошкентдаги «Яккасарой» спорт мажмуасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар ҳамда унинг тасарруфидаги жамоалар аппарат ходимлари ўртасида Ижтимоий ҳимоя йили ва Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган Республика спартакиадасининг финал босқичи баҳслари давом этмоқда.***





Маълумки, мазкур спартакиаданинг саралаш баҳслари зонал мусобақалар тарзида тўртта вилоятда бўлиб ўтганди. Яъни, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари терма жамоалари Андижон шаҳрида, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда пойтахт шаҳри ҳаваскор спортчилари Олмалиқда, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари ва НТМК жамоаси Навоийда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё вакиллари Урганчда тўпланишиб, шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика, мини футбол спорт турлари бўйича ўзаро беллашишганди.

Ниҳоят, финал ҳамма саволларга нуқта қўйди. Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раис ўринбосари Озода Муҳиддинова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Баҳодир Тожиев ҳамда бир қатор тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашларининг раислари иштирок этишди.

Мутассадиларнинг табрик ва тилак сўзларидан сўнг ёш спортчилар иштирокида кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оммавий спортдан профессионал спортгача, болалар спортидан хотин-қизлар спортигача, барчаси бирдек давлат эътиборида. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда баркамол авлод тарбияси эртанги кунга бўлган ишончимизнинг асосий тамойилларидир.

Буни спартакиада иштирокчилари ҳам алоҳида қайд этишди.

**Элвира Хўжаёрова, Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши йўриқчиси:**

— Спартакиадада енгил атлетика спорт тури бўйича қатнашяпман. Югуриш, сакраш, тўп улоқтириш бўйича омадимизни синаб кўряпмиз.

**— Югуриш баҳсларида маррага ҳаммадан биринчи келдингиз. Демак, шуғулланиб тураркансиз-да?**

— Бўлмасам-чи! Саломатлик учун одам нималар қилмайди, ахир. Дори ичгандан югурган яхши-да.

**Гулбаҳор Айназарова, Сурхондарё вилоят терма жамоаси аъзоси:**

— Термиздан Тошкент шаҳрига спартакиадада қатнашиш учун йўлга чиқдик. Техника-да, йўлда автобусимиз бузилиб қолди. Бироз кутиб, бошқа автобус билан йўлга тушдик. Йўлда баъзи йўловчиларнинг мазаси бўлмай, яна тўхтадик... Тошкентга мусобақалар бошланиш арафасида етиб келдик. «Энди спартакиадада қатнаша олмай, қайтиб кетарканмиз-да», деб чўчигандик. Хайрият, улгурдик. Спортнинг енгил атлетика тури бўйича қатнашдим. Натижаларимни олқишлашди, хурсандман.

**— Тўпни барчадан узоққа улоқтирдингиз, 60 метрга югуриш бўйича ҳам натижангиз ёмон эмас. Мусобақаларда илгари ҳам қатнашганмисиз?**

— Биринчи бор иштирок этишим. Бироқ бизнинг оилада спортни жуда севишади. Уч нафар қизим бор. Каттаси бу йил курашга бораётган бўлса, ўртанчаси каратэга қатнайди. Кичигини ўзим билан Тошкентга олиб келдим. У ҳам оилада спорт инсоннинг энг яхши ҳамроҳи эканлигини кўриб ўсмоқда.

## Спартакиада





(Давоми 4-бетда)

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54

# Ижтимоий ҳимоя йўлида

## ДОИМО ОЧИҚ

да учта талабалар уйи мавжуд бўлиб, уларда ёшларимиз эмин-эркин яшашлари ва ўз билимларини мустаҳкамлашлари учун шарт-шароит яратиб қўйилган. Хусусан, талабалар истаган вақтда малакали шифокор ва ҳамширага мурожаат қилишлари мумкин. Шунингдек, 10 та овқат пиширадиган хона, санитария-гигиена ҳамда дам олиш хоналари, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган маънавият хонаси талабаларимиз ихтиёрида. Кутубхона ишлаб турибди, ўз малакаларини оширишни истаган йигит-қизлар компьютер ўрганиш марказига ташриф буюришлари мумкин.

Лекин булар бизнинг назаримизда ҳар бир олий ўқув муассасасида албатта бўлиши лозим бўлган қулайликлардир. Амалга оширишимиз зарур бўлган ишлар янада кўп. Ҳар бир хонада телевизор бўлиши, интернетга уланган компьютер хоналари ишлаб туриши шарт. Имкон топа билган талабалар кўникма ҳосил қилиш маъносида ўқишдан бўш пайтларида ўз соҳаларида ишласалар, қани эди!

Излаган имкон, истаган иймон топибди, дейдилар. Бу моҳиятан касаба уюшмаларининг кенг кўламли фаолиятига жуда мос келади. Беш қўл баравар эмас. Университетимизда 12 нафар етим талабалар бор. Уларнинг яшаши ва ўқиши учун имкон даражасида шароит яратиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Жорий йилнинг май ойигача кам таъминланган, ногирон, касалванд ва етим талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасига касаба уюшма томонидан 400 минг сўм сарфланди. Саломатлиги ёмонлашган бир неча талабага моддий ёрдам кўрсатилди. 3-босқич талабаси Дилноза Бурхонованинг касалхонада ётиб даволаниши учун 100 минг сўм ўтказиб берилди.

Бундай ғамхўрликдан профессор-ўқитувчиларимиз ҳам четда қолмаяптилар. Уларнинг ҳурмати жойига қўйилиши икки жиҳатдан ибратлидир. Авваламбор, тақдир тақозоси ила кўмакка муҳтожлик сезган одамнинг кўнгли кўтарилса, қолаверса, буни ўз кўзи билан кўриб турган ёшларда ҳурмат-эҳтиром туйғулари тарбия топади.

Куни кеча қирқ йилдан ортиқ ишлаган 10 нафар профессор-ўқитувчиларимиз тарихий шаҳарларимиз — Хива, Бухоро ва Самарқанд сафарида бўлиб қайтдилар. Бир домламизнинг гапи то ҳануз қулоқларим остида жаранглаб турибди:

— Ўз ёғимизга қовурилиб, уй — иш, иш — уй деб дарс бериб юраверган эканмизда! Истиқлолимиз абадий бўлсин, мустақиллигимиз учун курашган фидойи инсонларимизга минг раҳмат! Мамлакатимиз бу қадар чирой очиб бораётганини кўриб, очиғи, ичичимга сиғмай қувониб кетдим.

Касаба уюшма қўмитаси эшиги ҳамиша очиқ. Профессор ҳам, талаба ҳам тортинмай, ўз уйига кираётгандек қадам ранжида қиладиган хона иккита бўлса, биттаси касаба уюшмаларидир. Демак, улар ўзлари дуч келган масалага шу ерда ечим топилишига ишонадилар. Бу бизни қувонтиради, албатта.

**Абдуҳаким ҲАКИМОВ,**
**Андижон Давлат университети Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**



Боғишамол — сўлим гуша.

## Бошланғичда нима гап?

# МУҲИМИ, ЙЎЛГА ТУШИБ ОЛДИК

***Касаба уюшма аъзолари сонининг қисқариши асосан қишлоқ хўжалигида юз берган ўзгаришлар билан боғлиқ эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Аввал жамоа, сўнг ширкат хўжаликларнинг тугатилиши кўпгина ташкилотлар, хусусан, касаба уюшмалари фаолиятини ҳам четлаб ўтмади.***

«Намуна» массиви фермер хўжаликлари касаба уюшма қўмитаси ташкил этилганига бор-йўғи беш ой бўлди. У тугатилиб кетган «Намуна» ширкат хўжалиги негизида тузилиб, фаолиятини бошлаган 151 та фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган кишиларни ўз сафига бирлаштиради.

Гарчанд «бирлаштиради» деган сўз жуда осонлик билан ифода этилса-да, аслида бу жуда катта ташкилотчилик ва фидойилик эвазига бўлишини тармоқда ишлаб, унинг муаммоларини ечиш йўлида заҳмат чеккан одамлар яхши тушунади. Инсонни манфаат бошқаради, деганларича бор. Жуда кўпчилик содда мантиқ — хўш, касаба уюшмаси менга нима беради, деган саволга жавобан ўз нуқтаи назарини белгилаши ҳам рост гап.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, одамлар бизни эътироф эта бошлаганлари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда, десам асло муболаға бўлмайди. Ўзингиз мулоҳаза юритиб кўринг. Ширкат хўжалиги чоғида 1704 нафар касаба уюшма аъзоси бор эди. Ҳозир улар 93 тага камайган, холос. Буни ҳам аслида нафақага чиққанлар ва касб касаллигига чалинганлар ҳисобига ёзиб қўйиш мумкин. Бошқача айтганда, қарийб қисқаришга учрамадик. Бу — бизнинг биринчи ютуғимиз. Иккинчи ютуғимиз шундан иборатки, одамлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган энг кўпсонли ташкилот бахтиёр кунларда бақамти бўлгани каби, оғир дамларда ҳам ёлғизлатиб қўймаслигини тобора теранроқ англаб бормоқдалар. Бунда энг таъсирчан куч — уларнинг шахсан ўзлари кўраётган ижтимоий-иқтисодий кўмак бўлаётир. Ўрни келганда, бир-иккита мисол келтираман. М.Турғунбоева, М.Акбарова, А. Рашидов, З. Мўйдинова каби бир неча касаба уюшма аъзоси «Косонсой», «Чимён», «Ниҳол, «Товоқсой» сиҳатгоҳларида имтиёзли йўлланмалар билан дам олиб, соғлиқларини тиклаб келдилар.

Бунда фермер хўжалиги раҳбарларининг саховатпешалигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Юсуф Чиллиев, Асқар Акбаров, Нормамат Эралиев, Мамлакат Солиева, Илҳом Расулов сингари фермерлар меҳнат ва болаликдан ногирон, кўзи ожиз ва якка-ёлғиз қолган қариялар, жами 30 кишини оталиққа олиб, зарур ёрдам кўрсатиб келаётганликларини алоҳида миннатдорчилик билан тилга олишни истардим.

Эзгуликка нима етсин. Бир кўнгли яримнинг ҳожатини чиқармоқ қанчалар савобга дохил эканлигини ота-боболаримиз асрлар оша бизларга уқтириб келишгани бекорга эмас. Ана шу савобли ишларда касаба уюшмаларининг ҳам ўз ўрни борлиги кишига илҳом бағишлайди. Яхшилик ҳам аслида кўпчилик билан. Шу маънода касаба уюшма фаоллари Бегижон Қорабоев, Санобар Абдуолимова, Тўрабой Усмонов, Гулчеҳра Мирзаева, Шавкат Ҳайитматов кабиларнинг саъй-ҳаракати туфайли бошлаб қўйган ишларимиз хайрли ижобат топяпти.

Дарвоқе, «Илҳом-2» ва «Ҳалоллик истиқболи» фермер хўжаликларида касаба уюшма етакчиларини ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдорида рағбатлантиришни йўлга қўйиш ташаббуси бошқаларни ҳам қизиқтириб қўйди. Бу бежиз эмас.

Бошланғичда ишлар яхши бўлса, арз-дод қилиб юқори идоралар эшигини қоқишларга ҳожат қолмайди. Бу эса, ўз навбатида иш берувчи учун ҳам қўл келади. Кўп нарсани юзага келган муҳит белгилашини назарда тутадиган бўлсак, у фикрнинг нақадар долзарблиги ўз-ўзидан англашилади.

**Мастурахон ИБРОҲИМОВА,**
**Қўрғонтепа тумани «Намуна» массиви фермер хўжаликлари касаба уюшма қўмитаси раиси**

## Ишчи минбари

# МЕНИНГ КОРХОНАМ — МЕНИНГ ФАХРИМ

***Ақл ёшда эмас, бошда, деганларидек корхона нуфузи унинг катта-кичиклиги билан эмас, балки сен ушбу даргоҳга нима берганлигингу, эвазига нима олганлигинг билан белгиланади. Мен буни бундан ўн бир йил муқаддам «ЎзДЭУавто» ҳиссадорлик жамияти йўлланмаси билан Жанубий Кореяда олти ой ишлаш жараёнида илк бор ҳис қилгандим.***





Шундан сўнг яна икки марта ҳамкорларимиз йиллар давомида тўплаган катта тажрибадан ранг олиб, малака ошириш учун сафар тадоригини кўришга тўғри келди. Илк таассуротларим мени алдамаганига яна ва яна ишонч ҳосил қилдим. Сидқидилдан қилинган меҳнат тўкисликда яшаш учун гаров эканлиги мана бугун ўзимизнинг Асакада ҳам исботини топмоқда.

Меҳнат ва иш ҳақини ташкил қилиш бўлими томонидан йил бошида эълон қилинган моддий рағбатлантириш тизимидаги янгиликлардан, очиғи, барчамизнинг бошимиз осмонга етди. Мана, сиз ҳам бир мушоҳада қилиб кўринг-а:

1. Чорак якуни бўйича мукофот — режани бажарганлик учун чоракдаги иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида (10 фоиз — режадаги автомобиллар сони ишлаб чиқарилганлиги учун; 10 фоиз — товар маҳсулот ҳажмининг бажарилганлиги учун).

2. Ой якуни бўйича мукофот — 2006 йилдаги мос даврга нисбатан рекламациялар сонининг камайганлиги учун ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида.

3. Ой якуни бўйича мукофот — меҳнат унумдорлигини ошириш режасининг бажарилганлиги учун ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида.

4. Ой якуни бўйича мукофот — МВО режаси бўйича таннархни камайтириш режасини бажарганлик учун ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Касаба уюшма қўмитаси томонидан белгиланган имтиёзлар корхонада ишлаётган 5.5 мингга яқин ишчи-хизматчиларнинг барчаси манфаатларини қамраб олган, десам ишонаверинг. Масалан, ўтган йили 450 нафарга яқин ходим сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб, даволаниб қайтган, ушбу мақсадларга 25 миллион 800 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган эди. Бу йилга белгиланган режа чўғи янада салмоқли. Санитар — курорт муассасаларида 600 нафар ишчи-ходимлар ўз соғлиқларини тиклаб оладилар. Уларнинг 50 нафари хотин-қизлар бўлиб, йўлланмаларнинг 15 таси бепулдир.

Бундан ташқари, ҳар йили тиббий кўрик ўтказилиб, унинг натижаларига кўра юздан ортиқ киши аввалдан тузиб қўйилган шартномага асосан Андижон давлат клиник шифохонасида даволанадилар.

Ҳаммамиз этагимизни тутиб вояга етаётган фарзандларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишини истаймиз. Ўтган йили 669 нафар болалар сўлим оромгоҳлардан кучга тўлиб қайтгандилар. Бу йил дам олувчилар сони 700 нафарни ташкил этади. Бунинг учун 20 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Ишловчиларнинг аксарияти ёшлар. Бинобарин, янги оила қурганлар корхонамизда жуда кўп. Рўзғор дегани эса, маълумки, бамисоли ғор. Ҳеч тўлдириб бўлмайди. Сир эмас, муаммолар ҳаддидан ошган чоғларда унча-бунча кўнгилсиз «айтишув»лар ҳам юз бериб туради. Касаба уюшма етакчиларимизга раҳмат, ажойиб ташаббусни кўтариб чиқдилар. Билмадим, бунақаси бошқа жойларда борми-йўқми, ҳайтовур бизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга халқ истеъмоли молларини кредит йўли билан олиш акциядорлик-тижорат «Асакабанк»и билан ҳамкорликда йўлга қўйилди. Натижада корхона ишчи-ходимларидан салкам тўрт минг нафари имтиёзли кредитдан фойдаланиб, керакли анжомларни сотиб олишга эришдилар ва ушбу имтиёзли кредит ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.



Шундай шароитда меҳр қўйиб ишламай бўладими! Бу йил завод конвейерларидан 175 минг дона турли русумдаги автомашиналар чиқиши режалаштирилган. Шундан 111 минги экспорт қилинади. Ваҳоланки, ўтган йили ишлаб чиқарилган 140 мингта автомобилнинг 82 минг 537 таси хорижга жўнатилган эди. Агар ўтмишга қайтиб, 1996 йилда 24 минг 179 дона машина харидорларга тақдим этилгани билан қиёслайдиган бўлсак, ўсиш динамикаси кўз ўнгингизда намоён бўлади-қўяди.

Баъзан корхонамизда юз бераётган ўзгаришлар кўламини кўриб, ҳамон йўл бошида тургандек ҳис қиласан ўзингни киши. Эҳтимол, чиндан ҳам шундайдир. Бугун икки фарзандни вояга етказяпман. Ким билади, вақт-соати келиб, улар ҳам мен каби ўз тақдирларини шу корхона билан боғлашар. Ишончим комилки, уларнинг иш кўлами янада кенгроқ доира ичра бўлади.

**Жаҳонгир АШУРОВ,**
**йиғув цехининг «Дамас», «Матиз» линияси бригадири**

## РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

**Вилоятдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида меҳнаткашларнинг 19.000 нафар фарзандлари, шундан 9630 нафарини ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан дам олдирилади. Жумладан:**

**200 нафар «Меҳрибонлик уйи» ва махсус мактаблар тарбияланувчилари;**

**800 нафар кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари;**

**100 нафар ижтимоий соҳа ходимлари фарзандлари бепул соғломлаштирилади.**

* * *

*Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 6000 нафар ходимни, шу жумладан, 2000 нафар ногирон, ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оила аъзолари маданий дам олдирилади ва соғломлаштирилади.*

## Меҳнат муҳофазаси

# УЙДАН СОҒ ЧИҚИБ

### соғ қайтмоқ ҳам саодат

***Пулингизни йўқотиб қўйсангиз, яна ишлаб йиғиб-териб оласиз. Уйингиз ёниб кетса, қўни-қўшни, қариндош-уруғ дегандек, кўпчиликнинг мадади билан тез орада бошпаналик бўлиб оласиз. Аммо худо кўрсатмасин, тан-жонингизга шикаст етса, катта мушкулот ичида қолишингиз аниқ.***

Бундан бир йил муқаддам электромонтёр Абдулбори Тешабоев билан юз берган бахтсиз ҳодиса вилоят электр тармоқларида ишловчи 2 мингдан зиёд ишчи-хизматчининг юрагини ларзага солди. Эҳтиётсизлик ва техника хавфсизлигининг оддий талабларига риоя қилмаслик оқибатида бир оила бошига бир умрга татигулик қайғу ўз тамғасини босди. Куч-қувватга тўлган ёш йигит оламдан бевақт кўз юмди, ўн гулидан бир гули очилмаган аёл уч норасида боласини бағрига босганча ёлғизликда қолди.

Тўғри, А. Тешабоев бир неча йиллардан бери меҳнат қилган Шаҳрихон электр тармоқлари маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси қараб турмади. Ёрдам кўрсатди, оила ҳолидан вақт-бемаҳал хабар олиб турди. Лекин кетганни қайтаришга барибир ҳеч ким қодир эмас. Ваҳоланки, ушбу мудҳиш ҳодиса рўй бермаслиги ҳам мумкин эди. Абдулбори ҳам ўз касбининг устаси, 4-разрядга эга бўлган тажрибали электромонтёр, қолаверса, ўша куни навбатчилигини ўтказаётган диспетчерлар ҳам ўз соҳасининг билимдонлари эди. Афсуски, касб-коримиз учун олтин қоида — «ўчир, белгини илиб қўй, ёқма, одамлар ишламоқда, текшир, ерла», деган сўзларнинг моҳияти унутилганлиги боис шундай фалокат келиб чиқди.

Жарроҳ бир марта янглишади, дейишади. Бу иборани бизнинг соҳа кишиларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Шунинг учун ҳар бир ходим ишга кириш йўриқномаси билан таништирилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. У бевосита иш жойида ҳам шундай йўриқнома юзасидан имтиҳон қилинади, жорий инструкция ўтказилади.

Ҳар ойда мамлакатимизда соҳага оид юз берган бахтсиз ҳодисалар ҳар бир шахобчада муҳокама қилинади, шундай вазият юзага келмаслиги ҳақида мутахассисларнинг тавсиялари берилади.

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Биз ҳам ана шу ақидага амал қилган ҳолда яқинда меҳнат муҳофазаси ва техника бўлимини қайта жиҳозладик. У турли кўргазмали қуроллар, плакатлар ва кўрсаткичлар билан тўлдирилди. Эндиликда ҳар бир ходим ҳимоя воситаларини синаш тартиби, огоҳлантирувчи белгилар ва соҳага оид ҳоказо масалаларга ойдинлик киритишлари учун ушбу хонада йўриқнома олиш имконига эга бўлдилар.

Бир сўз билан айтганда, меҳнат муҳофазасига йил сайин жиддий эътибор қаратилмоқда. Дейлик, ўтган йили ушбу мақсадлар учун 18 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган бўлса, бу йил ҳам ундан кам эмас. Бунда маъмурият ва касаба уюшмаларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракати ўз самарасини бераётганини таъкидлашни истардим.

Инсон саломатлигидан катта бойлик йўқ бу дунёда. Уни авайлаб-асраш эса барчанинг, қолаверса, ҳар биримизнинг ўз қўлимиздадир.

**М.ЖЎРАБОЕВ,**
**вилоят электр тармоқлари корхонаси хавфсизлик техникаси ва мустаҳкамлик хизмати муҳандиси**

## Мулоҳаза

# ЎҚИТУВЧИЛАР БОҒИ

### ЯНАДА ОБОД БЎЛИШИ МУМКИН, АГАР...

**Дунёда шундай касб эгалари борки, уларнинг меҳнатларидан ҳар бир инсон озми-кўпми (ўз иқтидорига лойиқ) баҳраманд бўлади. Улар берган ўгитлар, билим ва тарбия ҳаёт сўқмоқларида бизга кўп бор асқотади. Керак бўлганда, биз учун онадек меҳрибон, отадек қаттиққўл бўлиб, камолимизни кўрганда фаолияти маҳсулидан қувониб қўядиган олижаноб инсонлар айнан шулардир. Қайси касб эгалари ҳақида гап кетаётганлигини, албатта, фаҳмладингиз. Улар — устоз ва мураббийларимиз.**

Избоскан тумани ҳокимияти ўтган йил Луғумбек қишлоғидаги истироҳат боғи туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказилиши ҳақида гап-сўз чиққанда, тумандаги ўқитувчи ва мураббийлар бу хушхабардан бошлари осмонга етганди. Чунки бир вақтлар колхоз қарамоғида бўлган боғнинг таърифини улар ҳам яхши билишарди-да! Аммо ... Мана шу "аммо"си ҳақида билиш учун биз туман халқ таълими бўлими мудири Рустамжон Усмонов ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Муҳаммадзуннун Кенжабоев ҳамроҳлигида истироҳат боғи томон йўл олдик.

Катта кўча ёқасидаги темир панжарали, қўш табақали дарвозадан ичкарига кирган ҳамон атрофдаги чиройли манзарани кўриб, тўғриси, "Бу ерда қандай муаммо бўлиши мумкин?" деган фикр хаёлдан ўтди. Катта боғнинг ичкарисига томон юра бошлаганимизда катта фаввbooрали бетон ҳовуз, унинг ичида чиройли оққушлар сайр қилаётган манзара намоён бўлади. Танаси қучоққа сиғмайдиган чинор, сўлим каштан, кўм-кўк арча ва мевали дарахтлар соясидаги ерда бир гуруҳ аёллар майдонни бегона ўтлардан тозалаш билан машғул. Кейин маълум бўлишича, улар қишлоқдаги 25-мактаб ўқитувчилари Замира Асронова, Мавлуда Валиева, Шоҳсанам Йўлдошева, Дилфуза Юсуповалар экан.

— Ҳали боғ тўлиқ бизга ўтмаган бўлса-да, бу ернинг аҳволини доимо назорат қилиб турамиз, — дейди мактаб ўқитувчиси Баҳодир Ўролов. — Чунки кўриб турганингиздек, боғ атрофи тўлиқ ўраб олинмаган. Нариги маҳалла аҳолиси шу ердан ўзига йўлак очиб олган. Маҳалланинг мол-қўйи ҳам шу ерларда ўтлайди, агар қарамай қолсак...

Боғ айланамиз. Яшил майса билан қопланган ўйингоҳда бир гуруҳ болажонлар тўп кетидан қувалаш билан овора. Уларга яқинлашиб, суҳбатга тортамиз.

— Ҳар куни шу ерда футбол ўйнаймиз. Ўйингоҳимиз майдони жуда чиройли, аммо ўйиндан кейин ювиниш учун сув йўқ, — дейди ўзини Дилшод Фармонов деб таништирган ўспирин. — Бошқа қишлоқ ва маҳалла ёшлари билан бу ерда кўплаб мусобақалар ўтказамиз. Душхоналар бузилиб, яроқсиз аҳволга келиб қолганига кўп бўлди. Илгарилари бу ерда ҳамма шароитлар етарли эди.

Бир вақтлар мухлислар ўтириб футбол томоша қилган ўриндиқлар ўрнида захлаб, қулаётган бетон парчалари... Нарироқда усти бақатўнлар билан қопланиб кетган кўл! Ҳамроҳларимизнинг айтишича, бир вақтлар бу кўлда дам олувчилар катамаранларда сайр этишган. Кўл устидаги чойхоналар доимо одамлар билан гавжум бўлган.

Шароитни ўнглаш учун, албатта, биринчи ўринда маблағ керак. Бўлганда ҳам анча катта маблағ. Ўйлаймизки, юртимизда илк бор ташкил этилаётган Ўқитувчилар боғига республикамиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари, саховатли ҳомийлар ўз кўмагини беради. Ана шунда биз юқорида келтирган "аммо"ларга ўрин қолмайди.

**Қўш саҳифани «Ishonch» мухбирлари Зайниддин РИХСИЕВ ва Абдулҳай ЮНУСОВлар тайёрлашди**

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

# АВЛОД БОРКИ, ҲАЁТ БАРДАВОМ

(Боши 1-бетда)

237 минг нафар фарзандларимиз ёз мавсумида республикамизнинг соғломлаштириш масканларида кўнгилли дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаб қайтганини ҳам алоҳида қайд этиш даркор.

Юртимизда болалар ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси йўлида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Халқ таълими вазирлигида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш борасида қизғин иш олиб борилди ва бугунги кунда мазкур қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Бу жараёнлардан кўзланган мақсад жамиятда бола ҳуқуқлари ҳимояланишига доир муаммоларни бартараф этишга жиддий ёндашиш, бола ҳуқуқлари кафолатлари таъминланишини халқаро миқёсга тенглаштириш ва келгусида бу соҳада самарали иш юритишдир.

Болаларга ғамхўрлик, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси билан нафақат давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат, нотижорат ташкилотлар ҳам шуғулланади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия, «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилик жамғармалари, Республика болаларни ижтимоий мослаштириш маркази каби кўплаб жамоат тузилмалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, болаларнинг таълим-тарбияси ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида. Конституциямизнинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», деб белгиланган. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида юзлаб янги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилган бўлиб, улар замон талабларига мос равишда жиҳозланган.

Қолаверса, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Дастурга кўра, мактаб биноларини тубдан янгилаш, капитал ва жорий таъмирлаш, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалари билан жиҳозлаш, мактабларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш каби устувор вазифалар ҳаётга кенг татбиқ этилаяпти.

Болаларни спорт-соғломлаштириш ишларига мунтазам жалб этиш мақсадида эса юртимизда замонавий, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражадаги кўркам масканлар, иншоотлар қуриб, фойдаланишга топширилаяпти. Ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида нафақат катталар, балки кичик ёшдаги спортчилар ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Қайси миллатга мансуб бўлмасин, дунёнинг қайси бурчагида яшамасин, болалар барибир эътиборга муҳтож бўлади. Биз юқорида санаб ўтган саъй-ҳаракатлардан, амалга оширилаётган ишлардан юртимиз болалари баҳраманд бўлишаяпти, албатта.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциянинг 2-моддасида» давлатлар ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси, ёки бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъи назар ҳурмат қиладилар ва таъминлаб берадилар», дея қайд этилган. Демак, барча болалар туғилганларида рўйхатдан ўтиш, саломатликлари, яхши, тўйимли овқатланиш, батафсил билим олиш борасида ғамхўрликдан баҳраманд бўлиш, шунингдек, хавф-хатарлар, қўпол муомала ва дискриминациядан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ана шу ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши, ҳимояланиши ва амал қилиниши борасида ота-оналар ва ҳукумат кафилликни зиммаларига олиши шарт.

Маълумотларга қараганда, болаликнинг дастлабки саккиз йили, айниқса, илк уч йили ниҳоятда муҳим давр ҳисобланади. Айни шу йиллар мобайнида бола саломатлиги шаклланади, ўсиб-улғайиши, камол топиши учун муҳим негиз яратилади. Болалар шу даврда билимни барча даврдагига нисбатан бирмунча тез ўзлаштирадилар. Гўдаклар меҳр-муҳаббат, алоҳида диққат-эътибор, самимий қўллаб-қувватлаш ва маънавий рағбатлантириш олса, шу билан бир қаторда, тўйиб овқатланса ҳамда унинг саломатлиги ҳақида мунтазам ғамхўрлик қилинса, у тез суръатлар билан ўсиб-улғаяди ва кўпроқ билимларни мукаммал ўрганади. Бунинг учун фақат оила эмас, балки жамиятнинг эътибори ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар йили 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бутун дунёда кенг нишонланади. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, болалар нимадан, кимдан ҳимоя қилинади? Нега ҳимоя қилинади? Уларни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш нима учун керак? Ва ҳоказо. Жавоб эса битта — болаларни турли муаммолардан ҳимоялаш, уларга ўсиб-улғайиши учун кўмак бериш лозим. Уларни ёт таъсирлардан, носоғлом муҳитдан ҳамда маънавий дунёсига таъсир қилувчи салбий омиллардан ҳимоялаш зарур. Чунки ёш авлод эртамиз ворисларидир. Фарзандлари соғлом юрт эса қудратли бўлади. Келажак авлод соғлом бўлса, мамлакат буюк юксалишлар йўлидан олға бораверади. Зеро, авлод борки, ҳаёт бардавом.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

Спартакиада



# КЎТАРИНКИ РУҲ, САЛОМАТЛИК ВА БИР ОЛАМ ТААССУРОТЛАР

(Боши 1-бетда)

**Йўлчибой Раҳимжонов, енгил атлетика бўйича Республика спартакиадаси ғолиби, 48 ёшда.**

**— Йўлчибой ака, гарчи тўладан келган бўлсангизда, маррага барча рақибларингиздан аввал етиб келдингиз. 100 метр масофани 13,9 сонияда босиб ўтиш яхши натижа. Икки оғиз ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз...**

— «Алгоритм» заводи касаба уюшмаси раисиман. Шунингдек, «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори бўлиб ҳам ишлайман. Бизнинг фахрийлардан тузилган «Алгоритм» футбол жамоамиз Тошкент шаҳар чемпионатида қатнашади. Ҳозир шаҳар чемпионатида тўрт учрашувда уч ғалабани қўлга киритдик.

Бевосита спартакиада ҳақида гапирсам, унда футбол (Металлургия ва машинасозлик ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши футбол жамоаси) ва енгил атлетика бўйича қатнашяпман.



Биз касаба уюшма раислари спартакиадада фаол қатнашиб, иложи бўлса, ғолиб чиқиб, бошқа ходимларга, ёшларга ўрнак бўлишимиз керак. Чунки касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири, бу — ишчи-ходимларни соғломлаштиришдир.

Ёшлигимда енгил атлетиканинг 100, 200, 400 метр масофаларга югуриш баҳслари бўйича ғолиб чиқардим. Мана, ёшим элликка яқинлашса-да, яна бугунгидек спартакиадаларда ғалаба нашидасини суряпман.

**Раъно Абдуалимова, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича вакили:**

**— Сиз стол тенниси мусобақаларида қатнашяпсиз. Ростини айтинг, стол теннисини мунтазам ўйнаб турасизми ёки шу спартакиада сабаб ўйнаяпсизми?**

— Қизиқиб ўйнаб турардим, бироқ мусобақаларда қатнашмаганман. Олмалиқ шаҳрида ўтган минтақавий саралаш мусобақасидан сўнг ҳар куни шуғулланадиган бўлдим. Соғлигимга фойдаси бўлаётганини ҳис қиляпман. Хулосам шуки, спорт ёшу қари учун бирдек керак экан. Энди биз ҳам стол тенниси анжомларини олиб, буни ишхонада ҳам оммалаштирамиз.

**Икром Юнусов, Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлим мудири:**

— Жамоамиз футбол бўйича Олмаликда ўтган саралаш баҳсларида 1-ўринни олиб, мана, Республика финал босқичида иштирок этяпмиз. Аъзоларнинг аксарияти билан бирга ишлаймиз. Масалан, Илҳом Турсунов, Уткир Эрматов, дарвозабонимиз Асқар Музаффаров, ҳимоячи Олим Зиёев бирлашма кенгашида бўлим мудири ёки йўриқчи лавозимларида фаолият кўрсатишади.

Режаларимиз катта. Худо хоҳласа, яқинда ташкилотимиз жойлашган бинодаги катта зални спорт залига айлантириш учун капитал таъмир ишлари режалаштирилган. Агар бу ишни амалга оширсак, ходимларимизда нафақат ёзда, балки қишда ҳам шуғулланиш учун имкониятлар туғилади.

— Футбол жамоамиз асосан катта ёшли, фахрийлик ёшига етиб қолган ходимлардан тузилган, — дея суҳбатга қўшилди Олим ака Зиёев. — Мана мен, куни кеча эллик ёшга кирдим. Ниятим, 60 ёшга кирганда ҳам ушбу мусобақада иштирок этиш.

**— Ўйинлар қандай боряпти?**

— Биринчи учрашувда андижонликларга ютқазиб қўйдик. Аммо муҳими биринчи ёки иккинчи ўриндан жой олиш эмас, биз учун қатнашишнинг ўзи ҳам ютуқ. Бу спартакиада биз учун саломатлик, бадантарбия ва мазмунли ҳордиқ чиқариш воситасидир. Спартакиадада бошқа вилоятдаги ҳамкасбларимиз билан фикр алмашдик, дўстлашдик. То кейинги йилги мусобақаларга қадар етгулик бир олам таассуротларга эга бўлдик.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**И.ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**


6/36 Sportlotto
299-тираж якуни
59 000 000 jackpot
20 25 18 15 26 6
6 та рақам - йўқ
5 та рақам - йўқ
4 та рақам - 99 та - 12189 сўмдан
Манзил: 100027 Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 98-а ( "Пахтакор" МС).
Тел.: 142-11-15, 142-12-95, Факс: (998 712) 142-37-89 www.sportlotto.uz


# СИРЛИ ЎСИМЛИК

**Тропик Америкада сирли бир ўсимлик топилди. У фавқулодда ғайри табиий хусусиятга эга бўлган лиана (чирмовуқ)дир. Яхе деб аталувчи бу ўсимликни Ориноко дарёсининг ўрта ва юқори ҳавзаси ирмоқларининг соҳилларида яшовчи ҳиндулар қадимдан яхши билишади.**

Яхе ўсимлигининг ажойиб хусусиятларидан хабардор кишиларнинг айтишига қараганда, унинг қайнатмасидан ичган ҳиндулар аллақандай афсонавий орзулар ва ҳатто баъзи телепатик (ғойибона) сезги ҳолатларига тушиб қоларкан.

Брюссел табиатшунослик тарихи музейининг раҳбари профессор Клайесгина яхе ўсимлигининг ҳақиқий намунасини учратишга муяссар бўлди. Клайес омади келиб, ҳиндулар яхе қайнатмаси тайёрлаган жойга келиб қолади. Профессор ўша жойдан бир нечта яхе новдасини топиб олади. Бу воқеа ўтган асрнинг бошларида содир бўлган эди.

# БЕҲУДАГА ЁҚИБ ЮБОРИЛГАН БЕНЗИН

**Ҳозирги вақтда бензин энг муҳим нефт маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Бироқ нефтни ҳайдаш йўли билан олинадиган бу рангсиз ёнилғи ҳамма вақт ҳам бунчалик эътиборга сазовор бўлмаган.**

Қарийб бир аср давомида (XIX асрнинг йигирманчи йилларидан XX аср охиригача, ички ёнув двигатели ихтиро қилингунга қадар) бензин нефт ҳайдаш заводларининг зарарли чиқиндиси деб саналган. Бензин ҳаво ва оқар сувни ифлослантирар, осонликча алангаланиб кетиши туфайли баъзан ёнғин чиқишига ҳам сабаб бўларди.

Нефт корхоналарининг хўжайинлари бензиндан қутулишнинг хилма-хил чораларини излаб кўришди Уни денгизга қуйишган эди, балиқчиликка путур етказиши маълум бўлиб қолди. Шундан кейин махсус ўралар қазиб бензинни шу ўраларга қуйиб ёқиб юборишни расм қилишди. Чунончи, 1902 йилда Грозний шаҳрида 70 минг тонна бензин ёндириб юборилди.

Ҳолбуки, ҳозир шунча бензин билан 40 мингта автомобилда Тошкентдан Москвага етиб олиш мумкин.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади**

Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходимлари ташкилий ишлар бўлими мудири Мирзакарим Худдиевга падари бузруквори
**МЎМИН ота**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Нафс балоси

***Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Фуқаролар қонуний йўл билан бемалол моддий даромадга эга бўлишлари мумкин. Афсуски, турли қинғирликлар орқали бойлик тўплашга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Қонун бундай нопок кимсалар йўлига тўсиқ қўймоқда.***

# ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Департамент ходимлари томонидан ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб келинган акциз маркасиз спиртли маҳсулотларни сотиш ва муомалага киритишнинг олдини олиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тумандаги Қорасув ЙПХ масканида ҳайдовчи А.Абдухолиқов бошқарувидаги давлат рақами 11 U 7573 бўлган автомашина тўхтатилиб, унинг юкхонаси кўздан кечирилганда, хусусий тадбиркор Д.Мансуровага тегишли 53 турдаги 491 820 сўмлик ноқонуний товар моддий бойликлари, шу жумладан, 4 турдаги 168 100 сўмлик юртимизда ишлаб чиқарилган алкогол маҳсулотлари борлиги аниқланди. Ҳозирда қонунбузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Тўйтепа шаҳридаги 8-март кўчаси 26-а уйда истиқомат қилувчи М.Жўраев ўз уйида қўлбола спиртли ичимликлар тайёрлаши маълум бўлди. Жами 187524 сўмлик арoқ, спирт ва бошқа ёрдамчи маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ана шундай қонунбузарликлар фуқаролар И.Ким, М.Султоновлар томонидан ҳам амалга ошириб келинган. М.Султонов яшайдиган Алишер Навоий 3-тор кўчаси 7-уйда текшириш ўтказилганда, 81 шиша арoқ, сувни фильтрдан ўтказувчи мослама, 10,5 литр спирт, 10 дона елим қопқоқ, 25 дона темир қопқоқ, 829 дона акциз маркалар қўлга киритилди. И.Ким эса О.Шарафутдинов кўчасида жойлашган «Оқсоқол» чойхонасида ноқонуний фаолият кўрсатиш билан бирга қўлбола усулда тайёрланган арoқ маҳсулотларини сотиш билан шуғулланган. Улар энди қонун олдида жавоб беришмоқда.

**Алижон ЭСОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Ўртачирчиқ туман бўлими катта суриштирувчиси**


Credit-Standard

ЧАСТНЫЙ ОТКРЫТЫЙ АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК «КРЕДИТ-СТАНДАРТ»

**Извещает о проведении очередного общего собрания акционеров, которое состоится 30 июня 2007 года в 18.00 в здании банка по адресу: г.Ташкент, ул. Кунаева 25, Начало регистрации -17.00.**

**В соответствии с Решением Совета Банка от 28 мая 2007г. список владельцев акций банка, имеющих право на участие в общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 30 мая 2007г. (порядковый номер сообщения -07)**

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

**1)** Утверждение регламента общего собрания.

**2)** Утверждение Годового отчета о деятельности банка в 2006 году.

**3)** Утверждение Отчета о результатах аудиторской проверки за 2006 год.

**4)** Утверждение заключения ревизионной комиссии за 2006г.

**5)** Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2006 год.

**6)** Утверждение 000 «Делойт и Туш» в качестве внешнего аудитора на 2007 год с предельным размером оплаты его услуг 65 000 долларов США.

**7)** Утверждение нового наименования Банка — «Открытый Акционерный Коммерческий Банк «Кредит-Стандарт».

**8)** Увеличение уставного фонда Банка до 9 360 000 000 сум путем увеличения номинальной стоимости размещенных акций Банка до стоимости равной 360 000 сумов.

**9)** Утверждение новой редакции Устава Банка.

**10)** Направление нераспределенной прибыли Банка за 2003-2005 года в размере 3998280000 сум на увеличение уставного фонда путем пропорционального увеличения номинальной стоимости размещенных акций из расчета 153 780 сум на одну акцию.

**11)** Направление 30% - 1845469444,35 сум, от чистой прибыли за 2006г. в Резервный фонд.

**12)** Направление чистой прибыли Банка за 2006 год в размере 4 061 720 000 сумов на увеличение уставного фонда путем пропорционального увеличения номинальной стоимости размещенных акций из расчета 156220 сум на одну акцию.

**13)** Распределение оставшейся нераспределенной в размере 244387 416,69 сумов чистой прибыли Банка за 2006 год.

**14)** Утверждение Изменения в анкету выпуска акций банка.

**15)** Утверждение бизнес-плана, сметы доходов и расходов на 2007 год.

**16)** Продление договора с Председателем Правления Мухамеджановым К.А. на очередной срок.

**17)** Утверждение кандидатуры Токобаева Н.Т. на должность Председателя Правления Банка в случае прекращения трудового договора с Мухамеджановым К.А.

**18)** Избрание и утверждение нового состава Совета Банка.

**19)** Избрание и утверждение нового состава Ревизионной комиссии банка.

**Акционеры могут ознакомиться с информацией подлежащей представлению акционерам при подготовке к проведению общего собрания , ежедневно в течении рабочего дня, в офисе банка.**
**Дополнительную информацию можно получить по телефону: (998-71) 140-12-02.**

**Наблюдательный совет**



**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади.**
**Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54**



МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ



Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов



Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
*700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи:*
133; 134
E-mail:
ishonch_doverie4@mail.ru



Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев
Навбатчи - А.Абдиев
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 414

Тиражи: 16821

23456